

Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор



14:00 / 23.05.2022 3473

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор»**, дедилар. «Айтинг-чи, агар топмаса-чи?» дейишди. **«Икки қўли билан ишлаб топади, ўзига фойда беради, садақа ҳам қилади»**, дедилар. «Айтинг-чи, бунга ҳам қодир бўлмаса-чи?» дейишди. **«Ҳожатманд бўлиб, ноилож қолган кишига ёрдам беради»**, дедилар. «Айтинг-чи, буни ҳам қила олмаса-чи?» дейишди. **«Яхшиликка ёки маъруфга буюради»**, дедилар. «Буни ҳам қила олмаса-чи?» дейишди. **«Ёмонликдан тийилади, мана шунинг ўзи ҳам садақадир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.